



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

## A NEW EXAMPLE FROM THE SCIENTIFIC HERITAGE OF THE SCHOLARS OF THE FERGANA SCHOOL OF FIQH

*Odiljon Koriyev*

*Head of the Department of Islamic Studies, Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan; Doctor of Historical Sciences (D.Sc. in History)*

*E-mail: [o.ahmad@mail.ru](mailto:o.ahmad@mail.ru)*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** knowledge, fiqh (Islamic jurisprudence), school, manuscript, Fergana, heritage, Islamic sciences, scientific center, the Middle Ages, Kokand, Persian language, treasury of sources.

**Received:** 26.01.26

**Accepted:** 27.01.26

**Published:** 28.01.26

**Abstract:** The article discusses the processes of formation of local scholarly schools in various regions of Transoxiana during the Middle Ages, as well as the role and significance of scholars originating from different cities in this development. Particular attention is paid to newly identified figures who were active in the field of Islamic sciences and to information about their works. Special focus is given to the analysis of selected examples of the scholarly heritage of representatives of the Fergana school of fiqh, originating from different parts of the valley, along with their distinctive features. In many cases, important considerations are presented regarding the reasons for the increasing prominence of the Persian language during a period when most works were traditionally written in Arabic.

### ФАРҒОНА ФИҚҲ МАКТАБИ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ЯНГИ НАМУНА

*Одилжон Қориев*

*ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, исломшунослик бўлими мудири тарих фанлари доктори*

*e-mail: [o.ahmad@mailru](mailto:o.ahmad@mailru)*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** илм, фиқх, мактаб, кўлэзма, Фарғона, мерос, ислом илмлари,

**Аннотация:** Мақолада ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг турли худудларида маҳаллий илмий мактаблар

илмий марказ, ўрта асрлар, Хўқанд, форс тили, манбалар хазинаси.

шаклланиши жараёнлари ва бунда турли шаҳарлардан етишиб чиққан олимлар фаолиятининг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Айниқса ислом илмлари соҳасида фаолият юритган янги номлар ва уларнинг асарлари ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовор. Фарғона фикҳ мактаби вакиллариининг водийнинг турли худудларидан бўлган намояндлари илмий меросининг алоҳида намуналари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлиliga эътибор қаратилган. Аксарият ҳолларда асрлар араб тилида яратилган бир даврда форс тилининг нуфузи ортиб борганлиги сабаблари ҳақидаги мулоҳазалар муҳим аҳамиятга эга.

---

## НОВЫЙ ПАМЯТНИК НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ФЕРГАНСКОЙ ШКОЛЫ ФИКХА

**Одилжон Кориев**

*Доктор исторических наук, заведующий отделом исламоведения*

*Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан*

*E-mail: [o.ahmad@mail.ru](mailto:o.ahmad@mail.ru)*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** наука, фикх, школа, рукопись, Фергана, наследие, исламские науки, научный центр, Средние века, Коканд, персидский язык, сокровищница источников.

**Аннотация:** В статье рассматриваются процессы формирования местных научных школ в различных регионах Мавераннахра в средневековый период, а также роль и значение деятельности учёных, выходцев из разных городов, в развитии этих школ. Особого внимания заслуживают сведения о новых именах учёных, работавших в области исламских наук, и их произведениях. Исследование сосредоточено на отдельных образцах научного наследия представителей ферганской школы фикха из различных районов Ферганской долины и анализе их характерных особенностей. Особую значимость представляют размышления о причинах возрастания авторитета персидского языка в эпоху, когда большинство научных трудов создавалось на арабском языке.

Мамлакатимиз ҳудудида илк ўрта асрларда илм фаннинг турли йўналишлари жадал суратларда ривожланди. Илмий адабиётда “илк уйғониш даври” деб аталадиган бу вақтда минтақамизда етишиб чиққан алломалар мазкур илмий тараққиётга улкан ҳисса қўшдилар. Бу даврнинг алоҳида хусусиятларидан бири Мовароуннахрнинг турли ҳудудларида ўзига хос алоҳида илмий мактаблар шаклланди ва мазкур мактаблар Мовароуннахр ўлкасининг илмий ривожига муносиб ҳисса қўшди. Илк ўрта асрларда Фарғона минтақасида ўзига хос илмий мактаб шаклланганлиги кейинги тадқиқотлар натижаларида ўз тасдиқини топган ҳақиқатдир. Аини шу даврда шаклланган Фарғона фикҳ мактаби ўрта асрларда нафақат Мовароуннахр, балки бутун Ислом дунёсида ислом илмлари ривожига алоҳида ўрин тутган алломалар етишиб чиқишига хизмат қилди.

Фарғона фикҳ мактабининг илк ўрта асрларда Фарғона водийсининг турли шаҳарларидан етишиб чиққан йирик намояндаларининг ўзи юз нафардан ортиқ. Водийнинг Ахсикат/Ахсикент шаҳридан(Абу-л-Вафа Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ахсикатий (ваф. 519/1126), Зу-л-Фазоил Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ахсикатий (465/1073-528/1134), Асируддин ал-Ахсикатий (501/1108-594/1198), Абдуллоҳ ибн Қоид ибн Ақил ибн ал-Хусайн ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ал-Ахсикатий (461/1069-514/1121), Асируддин ал-Ахсикатий (501/1108-594/1198), Абу Рашод Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Ахсикатий (406/1067-535/1140)), Косондан (Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Алоуддин ал-Косоний (ваф. 585/1191), Абу-л-Жавд Ато ибн Аҳмад ибн ас-Содиқ ал-Холидий ал-Косоний(ХII аср), Бакр ибн Сулаймон ибн Имрон ибн Илёс ал-Косоний (ваф. 513/1120 йилдан кейин)), Марғилондан (Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Марғиноний (ваф. 477/1085), Али ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ Заҳируддин ал-Кабир ал-Марғиноний (ваф. 506/1113), Ал-Ҳасан ибн Али Заҳируддин ал-Кабир ибн Абдулазиз ал-Марғиноний (ваф.ХII аср), аш-шайхулимом Абу-л-аимма Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ибн Абу Наср ибн Жаъфар ибн Сулайман ибн Маткан ал-Марғиноний (406/1016-476/1084)), Ўзганддан (Али ибн Сулаймон ибн Довуд ал-Ҳотибий Абу-л-Ҳасан ал-Ўзгандий(ХI аср), Абу Муҳаммад Абдуррахмон ибн Абдуллоҳ ибн Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Ўзгандий (ваф. 513/1120),) Ўшдан (Масъуд ибн Мансур ибн Мурсал ал-Ўший (ваф. 518/1125 й), Муҳаммад ибн Сулаймон Абу Абдуллоҳ ал-Ўший, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Холид Абу Абдуллоҳ ал-Ўший (ваф. 612/1216)), Андуқон(Андижон)дан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Андуқоний ас-Суфий (480/1087-545/1150). Хўқанд (Кўқон)дан Абу Тоййиб Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн ал-Хайр ал-Махзумий ал-Хуқандий (ваф. 501/1107), Хўжанддан Абу Имрон Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Муаддиб ал-Хўжандий (ваф. 360/1067) каби турли илм соҳаси вакилларининг номларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Фарғона фикҳ мактаби вакилларининг номлари, таржимаи ҳоллари ва илмий мерослари ҳақидаги маълумотларни излаб топиш ва

илмий муомалага киритиш ишлари давомли бўлиши лозим. Чунки қўлёзмалар хазиналарида сақланаётган асарларни тадқиқ қилиш ва уларни рўёбга чиқариш машаққатли меҳнат ва узок муддатни талаб қиладиган жараёндир. Зеро мамлакатимиз ҳудудидаги шарқ қўлёзма манбаларининг ўзи бир неча ўн минг жилдни ташкил қилиши, ундан ҳозирги кунгача жуда кам қисми ўрганилганлигини инобатга оладиган бўлсак, янги янги номлар ва асарлар кашф этилишига мутлақо шубҳа йўқ. Бундан ташқари дунёнинг йирик илмий марказлари Россия, Туркия, Англия, Франция, Германия ва бошқа мамлакатларда сақланаётган минтақамиз алломалари илмий меросига оид қўлёзмаларни ҳам ҳисобга олсак иш кўлами нақадар катта ва шу билан бир қаторда янги ном ва асарларни кашф этиш имкони ҳам шунчалик умидли эканлигига амин бўлиш мумкин.

Фарғона водийсида қадим замонлардан мавжуд бўлган шаҳарлар, уларнинг ўрта асрлардаги тараққиёт даражаси, шаҳарлар архитектураси, илм-фан ва маданиятнинг ривожланиш ҳолати каби масалалар турли манбаларда анча-мунча ёритилган. Қадимги Фарғона, ўрта аср тарихчилари, жумладан, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (506/1113-562/1167) маълумотларига кўра, Жайхун ва Сайхун дарёлари ортидаги катта ҳудудни эгаллаган вилоятдир. Вилоят ҳақида маълумотлар келтирган Истахрий, Фарғонанинг тоғлари қазилма бойликларга бой эканлигини таъкидлаб, у ерда олтин, кумуш, темир, кўмир, симоб ва бошқа қазилмалар қазиб олинганини ёзади. Ўрта асрларда Фарғона водийсида қатор йирик шаҳарлар барпо этилганлиги ва уларда илм-фаннинг турли соҳалари муваффақиятли ривожланганлиги аниқланган. Тарихий манбалар водийнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқлари ҳақида маълумот беради. Жумладан, Муқаддасий (X аср) Фарғона водийсида қирқдан ортиқ катта-кичик шаҳарлар бўлганлигини хабар қилган. Абдулкарим Самъоний эса, тўққизта шаҳар, еттита қишлоқ ва битта маҳаллани зикр қилган. Ахсикат, Косон, Марғилон, Қува, Ўш, Ўзганд, Хайлам, Қўқон, Хўжанд каби шаҳарлар, Андукон, Газак, Заркан, Йадухкат, Навқад, Ломиш каби қатор қишлоқлар шулар жумласидандир. Қадимги Фарғонанинг пойтахт шаҳарларидан бири Ахсикент (Ахсикат) бўлган. Абдулкарим Самъоний бу шаҳарни Фарғонанинг энг гўзал ва озода шаҳарларидан эканлигини айтса, Ёқут ал-Ҳамавий унинг Сирдарёдан бир фарсах масофада тоғлар орасидаги текисликда жойлашганлиги ҳақида хабар берган. Унинг таъкидлашича, шаҳар кўрғони ва работи девор билан ўралган ва тўртта дарвозаси бўлган. Шаҳар атрофида боғлар, работ ичида эса кўплаб ҳовузлар бўлган ва анҳорлар ўтган. Катта жомеъ масжиди, бозор, қалъа ва бошқа бинолар Ахсикентнинг ички шаҳар қисмида жойлашган. Бу ердаги тоғлардан олтин ва кумуш қазиб олинган. Ҳозирги Наманган вилоятида жойлашган Эски Ахси ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар Ахсикент шаҳри Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамият касб этиб, минтақадаги маданий

юксалишда алоҳида ўрин тутганлигини кўрсатмоқда. Зеро, бу шаҳарнинг бир неча минг йиллик тарихга эга эканлиги археологик тадқиқотлар натижалари билан ҳам тасдиқланган. Мутахассисларнинг фикрича, Ахсикент милоддан аввалги III асрда бунёд этилган ва араблар истилоси арафасидан то IX асрнинг ўрталаригача у водийнинг номи билан “Фарғона” деб аталган. Ахсикент марказлашган Сомонийлар давлати даврида ҳам Фарғона водийсининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий маркази сифатида гуллаб-яшнаган. Бундай хулосани айти шу даврда Ахсикентда зарб қилинган ва Ўрта Осиёнинг кўпчилик вилоятларидан топилган мис тангалар ҳам тасдиқлайди. Демак, Ахсикентда зарб қилинган танга пуллар Сомонийлар давлати иқтисодиётида муҳим роль ўйнаган. Кейинчалик Қорахонийлар давлати даврида сиёсий пойтахт Ахсикентдан Ўзгандга кўчирилган бўлса-да, Ахсикент XI-XII асрларда ҳам бутун Фарғона водийсининг иқтисодий маркази бўлиб қолаверган. Бу ерга Ўрта Ер денгизи мамлакатларидан, Ҳиндистондан узлуксиз карвонлар келиб турган. Эски Ахси харобаларидан топилган моддий ва маданият ашёлари сирасида, айниқса, сирланган сопол идишлар диққатга сазовордир. Чунки уларнинг баъзиларида куйи ёзувидаги битикларни ўқиш мумкин. Бу нарса Ахсикент хунармандлари бу даврда сопол идишларни сирлаш ва безаш борасида ўзига хос мактаб яратганликларидан далолат беради. Ўрта асрларда Хўжанд ҳам Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган. Сирдарё бўйида жойлашган бу шаҳар 721-22 йилларда халифа Язид ибн Абдулмалик даврида фатҳ қилинган. Ёқут ал-Ҳамавий шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашиб, унинг ўртасидан дарё кесиб ўтганлигини хабар қилган. Истахри эса бу дарёда савдо кемалари қатнови йўлга қўйилганлигини айтади. “Худуд ал-Олам” асарида Хўжанд шаҳри атрофида кўплаб ҳосилдор ерлар бўлиб, мевали дарахтлардан кўпроқ анор етиштирилганлиги, шаҳар аҳолиси эса жанговар ва шижоатли одамлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Хўжанд шаҳри Искандар Зулқарнайн даврида ёки ҳатто ундан ҳам олдинроқ мавжуд бўлган антик Эсхата шаҳри ўрнида барпо этилган деган фикрлар ҳам бор. Қўлёмалар хазиналарида олиб борилаётган изланишлар натижасида Фарғона фикҳ мактабининг айнан ана шу икки ҳудудига алоқадор бўлган яна бир вакили ва унинг қаламига мансуб асарни топишга муваффақ бўлдик. Бу асар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Абу-л-Қосим ибн Абу Ражо ал-Қоидий ал-Хўжандий қаламига мансуб “ал-Фатово ал-Қоидия” асаридир. Асар минтақамизда устувор бўлган ҳанафий фикҳига оид ҳисобланади. Қўлёманинг кириш қисмида муаллиф ушбу асарни кўпчилик замондошларининг талабларига жавобан битганлигини ва уни таълиф этишда мутааххир уламоларнинг “ан-Навозил” ва “ал-Воқеъот” жанридаги тўпламларга киритилган фатволарга асосланганлигини айтади. Бу ўриндаги энг муҳим маълумот Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Абу-л-Қосим ибн Абу Ражо ал-Қоидий ал-Хўжандий мазкур асарни

тайёрлашда шайх, имом, қози Тожуд-дин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Ахсикатий ал-Хўжандий фатволарига мурожаат қилганини зикр қилади. Асар муаллиф алломани номларини келтираркан “ал-Ахсикатий мавлидан, ал-Хўжандий мавтинан” яъни “Туғилган жойи [нисбатидан] Ахсикатий, яшаб ўтган жойи [жиҳатидан] Хўжандий” деб атайди. Шу нуқтаи назардан ҳам бу асарда Фарғона фикҳ мактабининг икки вакилининг иштироки бор эканлигини кўришимиз мумкин. Асар муаллифининг ва уни таълиф этишда фатволарига таянган Тожуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Ахсикатийларнинг шахсиятларига ойдинлик киритувчи маълумотларни ҳозирча топишга муваффақ бўлмадик. Бироқ Шайх, ал-Имом ал-Ажал, ал-Устаз, Устаз ал-Аимма, Муфти аш-Шарқ ва-с-Син унвонларига сазовор бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Абу-л-Қосим ибн Абу Ражо ал-Қоидий ал-Хўжандий, ҳамда Шайх, Имом, Қози Тожуддин, Қози лиллаҳ ва фи-л-лаҳ номларига муяссар бўлган Тожуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Ахсикатий ал-Хўжандий каби зотлар ўз замонасининг етук алломаларидан бўлганликлари шубҳасиз. Уларнинг таржимаи ҳоллари ва илмий меросларига аниқлик киритиш борасидаги изланишларимизни давом эттиришимиз аниқ. Броккельман асар муаллифининг вафот санасини 644/1247 деб белгилаган. Демак, аллома Тожуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Ахсикатий ал-Хўжандийни Фарғона фикҳ мактабининг Фахруддин Қозихон (ваф.1196) ва Бурхонуддин ал-Марғинович (1118-1197) каби етук вакиллари билан ҳамзамон бўлган деб ҳисоблашга асос бор. “Фатово Қоидия” асари анъанавий фикҳий асарларнинг таркибий тузилишига мос равишда таълиф этилган. Натижада асардаги фикҳий масалалар 54та китоб ва яна бир нечта “масаил” (масалалар) деб номланган қисмлар таркибида келтирилган. Асар кам ҳолларда боб ва фаслларга бўлинган. Фатволарни асослашда Қуръони карим оятлари ва Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари зикр қилинган. Қуръон карим оятлари келтирилган ўринларда оят бошланиши қизил сиёҳда ажратиб ёзилган. Асардаги алоҳида хусусиятлари сифатида айрим мавзуларни бошқа маънодош китоблар таркибига киритилганини таъкидлаш мумкин. Масалан таҳорат масалалари “Китаб ас-Солат” (Намоз китоби) таркибида, мерос масаласи “Китаб ал-Васая” (Васиятлар китоби) таркибига киритилган ва ҳ.з. Асарга аллома Тожуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Ахсикатий ал-Хўжандий билан бир қаторда ал-Ҳасан ибн Сулаймон ал-Хўжандий, ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғинович, Фахруддин Қозихон, Заҳируддин ал-Марғинович, Али ас-Сўғдий, Умар ан-Насафий каби ўнлаб минтақамиз алломалари фатволари киритилган. “Фатово Қоидия” асари қўлёзмалари бизнинг давримизгача етиб келган. Унинг нусхалари турли мамлакатлар қўлёзмалар фондларида сақланади. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида асарнинг икки нусхаси сақланади. Биринчиси 2392 ашёвий рақам остида сақланадиган қўлёзма нусхаси бўлиб у анча қадимий. Қоғози, ёзув услуби умуман полеографик белгиларидан келиб чиқиб 13

асрда, эҳтимол ҳатто муаллиф ҳаётлик пайтида кўчирилган деб айтиш мумкин. Қўлёзма умумий ҳажми 400 варақдан иборат. Ўлчами 19,5x29,5см. Ҳар саҳифага 29 қатордан матн насх хатида битилган. Нуқсонли, айрим варақлари йўқ. Асарнинг иккинчи қўлёзмаси мазкур қўлёзмалар хазинасида 4918 ашёвий рақам остида сақланади. Қўлёзма 1226/1811 йилда хаттот Қилич Ниёз томонидан настаълиқ хатида кўчирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 364 варақдан иборат. Ҳар бир вараққа 24 сатрдан матн битилган. Қўлёзманинг ўлчами 25x29см. Ўрта Осиё қоғозига битилган мазкур қўлёзма яхши сақланган. “Фатовои Қоидия” асарининг 624 ашёвий рақам остида Туркияда сақланадиган қўлёзма нусхаси 1122/1710 йилда насх хатида кўчирилган. Қўлёзманинг ҳар бир саҳифасига 27 қатордан битилган матн тилла суви рангли рамка ичига олинган. Қўлёзманинг китоб, боб ва фасл номлари қизил сиёҳда битилган. Умумий ҳажми 515 варақ. Ўлчами 20,9x30,9см. “Фатовои Қоидия” асарининг яна бир эътиборли томони ундаги фатволар араб ва форс тилларида келтирилганлигидир. Эҳтимол Хўжанд аҳолиси орасида форс тилида сўзлашувчилар ҳам кўпчилиқни ташкил қилганлиги фатволарни икки тилда келтирилшига сабаб бўлгандир. Аслида Фарғона фикҳ мактаби вакиллариининг ҳаммалариининг фикҳий асарларида ҳам форс тили элементлари, айрим жумлаларни форс тилида келтирилиши ҳолати тез-тез учраб туради. Бунинг сабаби айрим сўз ва ибораларни маҳаллий аҳолига изоҳлаб, шарҳлаб бериш зарурати билан боғлиқ бўлса керак. Лекин “Фатовои Қоидия” асарида форс тилидаги матн анча катта қисми ташкил қилади. Ҳар бир саҳифада матннинг деярли тенг ярми араб тилида бўлса иккинчи ярми форс тилида эканлигини кўрамыз. Демак, бу ҳолатнинг сабаби ўша даврда фикҳий асарлар Фарғона фикҳ мактаби доирасида аксар араб тилида битилиши анъанасидан аста секин форс тилига ўтиб бориш жараёнининг бошланиш даври натижаси бўлиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда Фарғона фикҳ мактаби алломаларидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Абу-л-Қосим ибн Абу Ражо ал-Қоидий ал-Хўжандий, ҳамда Шайх, Имом, Қози Тожуддин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Ахсикатий ал-Хўжандийларнинг илмий мероси Мовароуннаҳр худудига мўғуллар босқинининг илк даврларида муайян сабаблар фикҳий асарлар матнини тузишда форс тилидан фойдаланишни кучайиб боришига таъсир қилганини кўрсатмоқда. Натижада айни шу даврдан бошлаб кейинчалик минтақада фикҳий асарларни форс тилида битилиши устувор мавқега эга бўлган. Фарғона фикҳ мактаби вакиллариининг мазкур асари ҳали тадқиқ ва нашр қилинмаган. Демак, асар устида олиб бориладиган тадқиқотлар Фарғона фикҳ мактабига хос бўлган янги жиҳатларини кашф қилишга хизмат қилишига умид билдирамиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Абу-л-Қосим ибн Абу Ражо ал-Қоидий ал-Хўжандий. ФатовоиҚоидия. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси. Инв.№ 2392. 1в варақ.

2. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. Китаб ал-Ансаб. 5 жилд. Ҳайдаробод, 1963 (араб тилида).
3. Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б.. Ўзбекистон тарихида Қадимги Фарғона. Т., 2001. 15б.
4. Анарбаев А. Работы на городище Ахсикент// Археологические открытия 1981 года. М., 1983 -С.450;
5. Ахраров И.А. Археологические исследования городища Ахсикент в 1960 г. //Общественные науки в Узбекистане. 1960, №8, С.53-58.
6. Камалиддинов Ш. “Китоб ал-ансаб” Абу Са‘да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии.-Т., 1993.-350 б.
7. Негматов Н.Н. Об исследованиях Согдийско-таджикской археологической комплексной экспедиции в 1975 г. // Археологические работы в Таджикистане. Вып.15. Душанбе, 1980. С. 265-280.
8. Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. 8 жилд, Қоҳира, 1906 (араб тилида).
9. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri regnorum/Ed. M.J.de Goeje, Lugduni Batavorum apud E.J. Brill, 1967. Bibliotheca geographorum arabicorum. I. 348p.
10. Hudud al-Alam. (The regions of the world) a presian geography/ Translated and explained by V.Minorsky, second edition. London, 1970, 482p;
11. Shamsaddin Abu Abdulah Muhammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descriptio imperii Moslemici / Ed. M.J.de Goeje, Lugduni Batavorum apud E.J.Brill, 1967. Bibliotheca geographorum arabicorum.III.498 p.
12. ابو سعد عبد الكريم ابن محمد ابن منصور التميمي السمعاني. كتاب الانساب – مجلد ۵ - حيدرآباد. ۳۶۹۱ ;